Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ★ 28 январь 1969 йил, сешанба ★ № 23 (14.186). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ЯНВАРЬ ОЙИ ПЛАНИ—МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Февраль ойи ҳисобига

БУХОРО. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Когондаги Қоровулбозор нефть кони коллективи янги йилдан бошлаб барча қудуқлардан кўзда тутилганидан кўпроқ «қора олтин» чиқариб олишга эришмоқда. Улар топшириқдан ташқари ҳар куни камида 5.7 тонна нефть беришга муваффақ бўлмоқдалар.

Янги техника ҳамда илғор технологияга кенг йўл очиб беришда Жума Қурбонов, Борис Косенко, Сафар Бекназаров сингари операторлар ғайрат ва ташаббус кўрсатишяпти. Улар нефть қудуқларидан фойдаланиш коэффициенти ва самараси оширдилар.

Т. НАЗИРОВ.

Илғорлар

Тўланбой катта дош қозонда биқиллаб турган хамиртуришни қўли билан бир-икки шаппатилаб урди. Сўнг бир чимдим олиб татиб кўрди-ю, ҳамирчига:

— Ачиб қолибди-ку, — деди.

— Ҳамирни ёшартирамиз, — деди у ҳамирни ағдарарканда, — ачимаган ҳамиртуришдан қўшамиз, вассалом.

Шундай қилинди: қайта ишлов берилди. 45 минутдан кейин ачиган ҳамир ўз холига қайтди. Сўнг нон ясашга киришилди.

Тўланбой Мамасолиев Андижон нон комбинатининг фахри. У мастерлиқ қилаётган цех коллективи январь ойи планини муддатидан олдин бажарди. Бунга цехнинг Инобат Мадраҳимова, Тўлқин Мирзаалиев, Мунаррам Қодирова ва бошқалари муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

М. НИЕЗОВ.

Уртоқ Тодор Живковнинг Тошкент аэропортида кутиб олиниши. И. Душнин фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Суратда: Ўртоқ Тодор Живков мактаб пойдеворига дастлабки ғиштларни қўймоқда. А. Палехов фотоси.

СОВЕТ—БОЛГАР ДЎСТЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНСИН!

БОЛГАРИЯЛИК ДЎСТЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА

Тошкент аэропорти Болгария Халқ Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Давлат байроқлари билан безатилди. 27 январь куни республика пойтахти азиз меҳмон — Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Тодор Живковни зўр самимият билан кутиб олди. У Ҳиндистонга қилган сафаридан ўз юртига қайтиб кетаётган эди.

Болгария Халқ Республикасининг ташқи ишлар министри И. Башев, Болгария Халқ Республикаси машинасозлик министри М. Иванов, Болгария Халқ Республикаси ташқи савдо министрининг ўринбосари О. Тихомиров, Болгария деҳқончилик халқ союзи доимий вакилхонасининг аъзоси, Болгария Халқ Республикаси халқ мажлиси бюроси раисининг ўринбосари Я. Марков ва Болгария ҳукумат делегациясининг бошқа аъзолари ҳам Тошкентга келдилар.

Тошкентликлар азиз меҳмонни табриклаб кутиб олиш билан республика барча меҳнаткашларининг қардош болгар халқи билан дўстлигини тўхтовсиз мустаҳкамлашга самимий интилаётганлигини зўр куч билан намойиш қилиб кўрсатдилар. Тошкент ва Андижон областлари меҳнаткашларининг Болгариядаги Хасково ва Ямбол округларининг ишчилари, деҳқонлари ва меҳнаткаш зиёлилари билан аньана тусига кириб қолган алоқалари ана шу дўстликнинг ёрқин кўринишидир. Ўзбекистон шаҳарлари ва қишлоқларининг бутун аҳолиси социалистик қурилишда болгарялик дўстларига янгидан-янги муваффақиятлар тилайдилар.

Тошкент аэропортида Тодор Живков ва унга ҳамроҳ бўлиб келган кишиларни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, В. Г. Ломоносов, Н. Г. Ляшченко, М. М. Мусаҳонов, М. А. Абдураззоқов, С. Р. Расулов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари С. К. Зиёдуллаев, И. В. Марцинюк, М. З. Мирзааҳмедов, А. Р. Ҳўжаев ва республиканинг бошқа раҳбар ходимлари, Тошкент меҳнаткашларининг вакиллари кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида Ўзбекистон пойтахтидаги болгар гражданлари ҳам бор эди.

* * *

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Тодор Живков ва унинг ҳамроҳлари Тошкентга келганларидан кейин орадан бир оз вақт ўтгач шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

Пахтадек оппоқ қор билан қопланган Ўзбекистон пойтахти болгар дўстларимиз кўз ўнгида ўзининг бутун улуғворлиги билан намоён бўлди. Ҳатто ҳозирги совуқ кунларда ҳам шаҳарнинг қурилиш майдончаларида иш тўхтатилган эмас. Улар ҳамма жойда янги-янги кварталларни қуршаб олган башняли кранларни, барча совет республикалари вакиллари қурган шинам уй-жой биноларни кўришди.

Меҳмонлар тушган машиналар Россия Федерациясининг турли шаҳарларидан келган бинокорлар қурган кварталларга йўл олади. Болгариянинг пойтахти муаззам София қоми билан аталган проспектга шу кунларда болгар бинокорлари келишди. Улар Хасково округи меҳнаткашларининг Тошкентга ажойиб туҳфаси бўлган жуда катта мактаб биносини қуриш учун келишган.

Дастлабки кубометр тупроқ қазиб олинган котлован ёнида минглаб тошкентликлар тўпланишди. Улар азиз меҳмонларни шарафловчи, бузилмас болгар—совет дўстлигини шарафловчи транспарантларни кўтариб келишди.

Шу ерда митинг бошланади. Митингни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов очади. Болгария, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат гимнларининг садолари улуғвор янграйди.

Октябрь районидаги 14-мактаб ўқитувчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони О. Шарофиддинов минбарга чиқади. У 1060 ўринли мактабни тортиқ қилганликлари учун болгарялик дўстларга сидқидилдан миннатдорчилик билдиради.

— Ана шу бино қардошлигимизнинг рамзи бўлиб қолсин.— деди митинг аҳлининг қарсаклари остида кенса муаллима.

Тошкент авиация заводи электриклар бригадири С. И. Иванова, тўқимачилик комбинатининг арқокчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Йўлдошева Тодор Живковга, болгарялик барча дўстларга бутун болгар халқига қизғин салом йўллайдилар. Тошкент политехника институтида таълим олаётган болгар йигити Иван Койчев социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари меҳнаткашлари бирлигининг улуғворлиги ҳақида, совет—болгар дўстлигининг қудратли куч ҳақида гапирди.

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Тодор Живковга сўз берилади.

Гулдурос, давомли қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турган ўзининг ёрқин нутқида Тодор Живков Ўзбекистон меҳнаткашларига шодиёна кутиб олганликлари, қардошлик ҳиссиётларини изҳор қилганликлари учун самимий миннатдорчилик билдирди. Бизнинг дўстлигимиз, деб таъкидлади у, асрлардан бери яшаб келмоқда ва доимо яшайверади. У абадий ва бузилмасдир.

Тодор Живков Хасково округи меҳнаткашларининг тошкентликларга тортиқ қилган туҳфаси аҳамиятини юксак баҳолади. Қурилаётган мактаб, деб таъкидлади у, болгар—совет дўстлигининг ажойиб тимсоли бўлиб қолиши шубҳасиз.

Қарсаклар тағин ҳам кучаяди. Тодор Живков котлованга тушиб, бўлажак мактаб пойдеворига дастлабки ғиштларни қўяди. Болгар, ўзбек ва рус тилларида ёзилган мактуб пўлат капсулага жойланиб фундамент остига қўйилади. Мактубда: бу мактаб Совет Иттифоқи билан Болгария халқлари ўртасидаги абадий қардошлик ва бузилмас дўстлик шарафига қурилади, деб ёзиб қўйилган.

Азиз меҳмон котлованда чиқиб қўлига белкурак олади. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов ва республиканинг бошқа раҳбар ходимлари билан ҳамда ўзига ҳамроҳ бўлиб келган кишилар билан бирга у дўстлик кўчати ўтказади.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика ҳукумати Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Тодор Живков шарафига зиёфат бердилар.

(ЎзТАГ).

БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ 1968 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР Марказий статистика бошқармасининг ахбороти

1968 йилда Совет Иттифоқининг халқ хўжалиги тез суръатлар билан ривожлантирилди. Мамлакатимиз меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, беш йилликнинг учинчи йили — 1968 йилда экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришда халқ фаровонлигини оширишда янги муваффақиятларга эришдилар.

Халқ хўжалиги қандай суръатлар билан ривожланиб борганлигини қуйидаги маълумотлар кўрсатиб турибди.

	1968 йилда 1967 йилга нисбатан процент ҳисобида
Истеъмол ва жамғарма учун фойдаланилган миллий даромад	107,2
Саноат маҳсулоти	108,1
шу жумладан:	
«А» группаси	108,0
«Б» группаси	108,3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	103,5
Асосий фондларни ишга туширишда	106
Капитал маблағ сарфлаш	108
Ҳамма турдаги транспортнинг юк оборoти	107
Ишчи ва хизматчиларнинг умумий сони	103,5
Меҳнат унумдорлиги:	
саноатда	105
Колхоз ва совхозларда	105
Қурилишда	104
Темир йўл транспортида	105,5
Халқ хўжалигидаги фойда (таққосланувчи нархларда)	113
Халқ хўжалигидаги иш ҳақи фонди	111
Ижтимоий истеъмол фонди	111
Ишчи ва хизматчиларнинг пул билан оладиган ўртача иш ҳақи	107,5
Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда меҳнаткашларнинг реал даромадлари	106,1
Чакана товар оборoти	108,7
Ташқи савдо оборoти	108
Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишларининг ҳажми	117
Ўрта махсус ўқув юртларидаги ўқувчиларнинг сони	102,3
Олий ўқув юртларидаги студентларнинг сони	103,7

Саноатда асосий кўрсаткичлар юзасидан белгиланган план ошириб бажарилди. Кўмир ва газ қазиб чиқариш, пўлат қувурлар, автоматлаштириш приборлари воситалари, минерал ўғитлар, алюминий, қўрғошин, рух, никель, титан, қалайи ишлаб чиқариш, олмос қазиш, ип-газлама ва жун газлама, чарм пойафзал, ўсимлик ёғи, чой, кондитер моллар ва саноат маҳсулотининг бир қанча турлари ишлаб чиқариш йиллик плани муддатидан олдин бажарилди.

1968 йилда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 81 миллиард сўмлик бўлди ва шундан олдинги ҳамма йиллардагидан ошиб кетди. Қишлоқ хўжалигининг кўпчилик маҳсулотларини давлат йўли билан харид қилиш планлари ошириб бажарилди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш анча кўпайтирилди. Ўтган йили истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш («Б» группаси) суръатлари планда кўзда тутилганидек ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш («А» группаси)ни ривожлантириш суръатларидан бир мунча ортиқ бўлди.

Умуман халқ хўжалигида, шунингдек министрликлар, идораларнинг ва иттифоқчи республикаларнинг кўпчилигида фойда олиш плани ошириб бажарилди.

Беш йилликнинг уч йили мобайнида халқ хўжалигини юксалтириш суръатлари асосий кўрсаткичлар — миллий даромад, саноат ишлаб чиқариши, транспортнинг юк оборoти, чакана товар оборoти, аҳолининг реал даромадлари, ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи, колхозчиларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ бўйича КПСС XXIII съезди Директиваларида беш йиллик учун кўзда тутилган ўртача йиллик суръатларидан илдамлаб кетди.

I. САНОАТ

Саноат маҳсулотини реализация қилиш ва маҳсулотнинг кўпчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш йиллик плани ошириб бажарилди.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 8,1 процент кўпайтирилди. Саноатнинг энг муҳим тармоқлари — металлургия, машинасозлик, химия, нефтни қайта ишлаш саноати, электр-энергетика, енгил саноат ва саноатнинг бошқа тармоқлари юксак суръатлар билан ривожлантирилди.

Беш йилликнинг уч йили мобайнида умуман саноат ишлаб чиқариши ҳажми беш йиллик планга доир директиваларда кўзда тутилган 26-27 процент ўрнига 29 процентдан зиёд кўпайди.

Саноатнинг энг муҳим тармокларида маҳсулот ишлаб чиқариш 1967 йилга нисбатан қуйидагича кўпайди:

Электр энергетика	10 процент
Ёқилғи саноати	4 процент
Қора ва рангли металлургия	7 процент
Химия ва нефть химияси саноати	12 процент
Машинасозлик ва металл ишлаш	12 процент
Ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати	4 процент
Бинокорлик материаллари саноати	7 процент
Енгил саноат	9 процент
Озиқ-овқат саноати	5 процент
Саноат маҳсулотининг умумий ҳажмидан — маданий-маиший моллар ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш	15 процент

Йил охирига келиб, 27 мингта саноат корхонаси планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системаси асосида ишлаб бутун саноат маҳсулотининг 72 процентдан кўпрогини ишлаб чиқарди ва фойданинг 80 процентдан кўпрогини берди. Янги системада ишлаган корхоналар саноат маҳсулотини реализация қилиш планини ошириб бажарди. Шу корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми шундан аввалги йилдагига нисбатан 8,3 процент, меҳнат унумдорлиги 5,6 процент, фойда олиш 15 процент кўпайди.

Приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув системалари министрлигининг корхоналари 1968 йилга қадар ҳам планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтказилган эди; ўтган йили Оғир энергетика ва транспорт машинасозлиги министрлиги; электр-техника саноати министрлиги; химия ва нефть машинасозлиги министрлиги; автомобиль саноати министрлиги, трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги; қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлиги, ўрмон ва ёғочсозлик саноати министрлиги; целлюлоза қоғоз саноати министрлиги ва бошқа баъзи бир министрликлар корхоналарни планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига батамом ўтказиб бўлдилар.

Айрим министрликларда маҳсулотни реализация қилиш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатлари плани қандай бажарилганлиги тўғрисидаги маълумотларни қуйидагилардан билиш мумкин:

	Йиллик планнинг бажарилиш процента	1968 йилда 1967 йилга нисбатан процент ҳисобида
СССР энергетика ва электрлаштириш министрлиги	100,7	110
СССР Нефть чиқариш саноати министрлиги	100,8	107
СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлиги	100,9	108
Газ саноати министрлиги	100,6	110
СССР Кўмир саноати министрлиги	102	101
СССР Қора металлургия министрлиги	101	106
СССР Рангли металлургия министрлиги	102	109
СССР Химия саноати министрлиги	100,9	113
Оғир энергетика ва транспорт машинасозлиги министрлиги	102	106
Электр техника саноати министрлиги	102	110
Химия ва нефть машинасозлиги министрлиги	100,9	112
Станоксозлик ва асбобсозлик саноати министрлиги	101	111
Приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув системалари министрлиги	104	118
Автомобиль саноати министрлиги	101	111
Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги	100,7	107
Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик министрлиги	101	111
Енгил ва озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ва рўзғор асбоблари министрлиги	100,9	109
СССР ўрмон ва ёғочсозлик саноати министрлиги	100,7	103
Целлюлоза-қоғоз саноати министрлиги	100,7	108
СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги	99,4	106
СССР Енгил саноати министрлиги	101	108
СССР Озиқ-овқат саноати министрлиги	103	106
СССР Гўшт ва сут саноати министрлиги	100,8	105
СССР Балиқ хўжалиги министрлиги	101	101
СССР Министрлар Совети ҳузуридаги микробиология саноати бош бошқармаси	101	112
Медицина саноати министрлиги	103	114

Иттифоқдош республикаларнинг бутун саноатида, шу жумладан иттифоқ қарамоғидаги саноатда ҳам маҳсулот реализация қилиш плани қандай бажарилганлигини ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатлари қандай бўлганлигини қуйидаги рақамлардан кўриш мумкин:

	Йиллик планнинг бажарилиш процента	1968 йилда 1967 йилга нисбатан процент ҳисобида
РСФСР	102	108
Украина ССР	102	108

(Давоми иккинчи бетда).

БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

(Бошы биринчи бетда).

Белоруссия ССР	103	112
Ўзбекистон ССР	101	104
Қозоғистон ССР	102	109
Грузия ССР	101	108
Озарбайжон ССР	100.8	104
Литва ССР	103	111
Молдавия ССР	105	113
Латвия ССР	103	109
Қирғизистон ССР	103	111
Тожикистон ССР	102	105
Арманистон ССР	103	107
Туркманистон ССР	101	105
Эстония ССР	103	108

Барча иттифоқдош республикалар саноат маҳсулотининг кўпчилик энг муҳим турларини реализация қилиш ҳажми бўйича ҳам, ишлаб чиқариш бўйича ҳам йиллик планни ошириб бажардилар.

Умуман мамлакатда натура ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотни қуйидаги маълумотлардан билиш мумкин:

	1968 йилда ишлаб чиқарилди	1968 йилда 1967 йилга нисбатан процент ҳисобида
Электр энергия — миллиард киловатт-соат	638	109
Нефть — миллион тонна	309	107
Газ — миллиард кубометр	171	107
Кўмир — миллион тонна	594	99.8
Шу жумладан коксланувчи кўмир	155	105
Чўян — миллион тонна	78.8	105
Пўлат — миллион тонна	107	104
Прокат — жами — миллион тонна	85,2	104
Шу жумладан тайёр прокат	74.0	105
Пўлат қувурлар:		
Миллион метр	1751	107
Минг тонна	11211	106
Темир руда — миллион тонна	177	105
Минерал ўғитлар — миллион тонна:		
Таркибидаги тўйимли моддалар юз процентлига айлантириб ҳисоблаганда	10.2	109
Шартли бирликларда	43.4	108
Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситалари — минг тонна:		
Таъсир қилувчи моддаси юз процентлига айлантириб ҳисоблаганда	136	110
Шартли бирликларда	243	109
Кальцийлаштирилган сода — минг тонна	3292	104
Каустик сода — минг тонна	1658	109
Олтингугурт кислотаси — минг тонна	10166	104
Пластмассалар ва синтетик смолалар — минг тонна	1293	116
Химиявий толалар — минг тонна	554	108
Автомобиль покришкалари — миллион дона	31.8	107
Турбиналар — миллион киловатт	15.7	107
Турбиналарга генераторлар — миллион киловатт	14.5	99.7
Ўзгарувчан ток электр двигателлари — миллион киловатт	33.8	103
Металл қирқиш станоклари — минг дона	200	102
Темирчилик-пресс машиналари — минг дона	42.1	102
Автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси приборлари, воситалари — миллион сўмлик	2181	116
Металлургия машина-ускуналари — минг тонна	312	108
Нефть аппаратлари — минг тонна	125	89
Химия машина ускуналари ва улар учун запас қисмлар — миллион сўмлик	448	104
Тўқимачилик станоклари — минг дона	17.6	83
Магистрал тепловозлар — секция ҳисобида	1499	100.1
Магистрал электровозлар — минг от кучи ҳисобида	2476	87
Магистраль юк вагонлари минг дона	48.1	110
Автомобиллар — минг дона	800.9	110
Шу жумладан:		
Юк автомобиллари	478.2	109
Енгил автомобиллар	280.3	111
Автобуслар	42.4	106
Тракторлар — минг дона	423	105
Қишлоқ хўжалик машиналари, жами — миллион сўмлик	1766	106
Қишлоқ хўжалик машиналарининг запас қисмлари — миллион сўмлик	249	102
Дон комбайнлари — минг дона	101	100.1
Экскаватор — минг дона	26.9	104
Бульдозерлар — минг дона	29.6	110
Иморатбоп ёғоч ишлаб олиш (колхозлар тайёрлаган ёғоч бу ҳисобга кирмайди) — миллион кубометр	265	99.6
Қоғоз — миллион тонна	4.0	104
Цемент — миллион тонна	87.5	103
Ишма темир-бетон — миллион кубометр	74	105
Иморатбоп ғишт (колхозлар ишлаб чиқаргани бу ҳисобга кирмайди) — миллион дона	36.6	100.2
Шифер — миллиард шартли тахта	5.1	106
Томга ёпиладиган юмшоқ материал — миллион квадрат метр	1171	98
Дераза ойнаси — миллион квадрат метр	214	104
Асбоцемент қувурлар — минг шартли километр	43.3	107
Газламалар — миллион квадрат метр:		
Ип газламалар	6115	103
Жун газламалар	585	107
Зиғир толасидан тўқилган газламалар	676	105
Шойи газламалар	950	101
Тикилган буюмлар — миллиард сўмлик	13.4	115
Ички трикотаж — миллион дона	824	102
Устки трикотаж — миллион дона	302	118
Чарм пойафзал — миллион жуфт	597	106
Гўшт — жами — миллион тонна	11.6	100.3
Шу жумладан саноат ишлаб чиқарган гўшт	6.6	102
Колбасалар — миллион тонна	2.2	108
Балиқ овлаш ва денгиз маҳсулотлари олиш — миллион тонна	6.7	103
Сариёғ, пишлоқ ва сутдан тайёрланган бошқа маҳсулотлар (сутга айлантириб ҳисобланганда) — миллион тонна	44	104
Қанд-шакар, жами — миллион тонна	10.8	108
Шу жумладан қанд лавлагидан олинган шакар	9.0	107
Ўсимлик ёғи — миллион тонна	3.2	105
Кондитер маҳсулотлари — миллион тонна	2.5	107
Натура ҳолидаги чой (навли) — минг тонна	81.9	106
Консервалар — миллиард банка	9.5	106
Совун — миллион тонна	1.7	101
Синтетик кир ювиш воситалари — минг тонна	345	139
Соатлар — миллион дона	36	105
Радиоприёмниклар ва радиолалар — миллион дона	7.0	109
Телевизорлар — миллион дона	5.7	116
Холодильниклар — миллион дона	3.2	117
Кир ювиш машиналари — миллион дона	4.7	109
Мотоцикль ва мотороллерлар — минг дона	802	102
Велосипед ва мотовелосипедлар — миллион дона	4.3	102
Мебель — миллиард сўмлик[1]	2.4	110

Аввалги йилдагига нисбатан 21 миллион кўп тонна нефть, 12 миллиард кубометр кўп газ, 4 миллион тонна кўп чўян, 4.3 миллион тонна кўп пўлат, 3.4 миллион тонна кўп тайёр прокат, 3.4 миллион тонна кўп минерал ўғит, 21 минг тонна кўп ўсимликларни ҳимоя қилувчи химиявий воситалар, 2,1 миллион дона кўп автомобиль покришкаси ишлаб чиқарилди. Алюминий, қўрғошин, мис, рух, никель, титан ва бошқа рангли металлар, нефть химияси ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ҳамда маҳсулотнинг бошқа кўпгина турларини **ишлаб чиқариш кўпайди.**

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кўпайди, жумладан: ҳамма турдаги газламалар 286 миллион квадрат метр, устки трикотаж 47 миллион дона, тикилган буюмлар 1.8 миллиард сўмлик, чарм пойафзал 36 миллион жуфт, колбасалар 169 минг тонна, сариёғ, пишлоқ ва сутдан тайёрланган бошқа маҳсулотлари (сутга айлантириб ҳисобланган) қариб 2 миллион тонна, ўсимлик ёғи 137 минг тонна, консервалар 573 миллион банка, радиоприёмниклар ва радиолалар 552 минг дона, телевизорлар 786 минг дона, кир ювиш машиналари 377 минг дона, мебель 200 миллион сўмликдан зиёд кўп ишлаб чиқарилди.

Саноатда машина ускуналардан анча унумли фойдаланилди. Масалан, қора металлургияда домна печлари ҳажмидан фойдаланиш 2.6 процент яхшиланди ва мартен печлари губининг ҳар квадрат метри майдонидан олинадиган ўртача суткалик пўлат 1.8 процент кўпайди; электр станцияларда ҳар киловатт соат электр энергия ҳосил қилишга сарфланадиган ёқилғи миқдори 2 процент камайди; нефть чиқариш саноатида кон-қудуқлардан нефть чиқариб олиш кўпайди.

Ўтган йили нефть, табиий газ, қора ва рангли металл рудалари, химия ҳом ашёсининг аниқланган запаслари кўпайтирилди; нефть, табиий газ, олтин ва бошқа фойдали қазилмаларнинг янги конлари очилди.

Саноатда **меҳнат унумдорлиги** шундан олдинги йилга нисбатан 5 процент ошди.

Маҳсулот таннархини камайтиришнинг саноат корхоналари белгилаган плани ошириб бажарилди.

Саноатнинг **фойдаси** 1967 йилга нисбатан 14 процент кўпайди. **Жамғарма тўплаш йиллик плани ошиғи билан адо этилди.**

Умуман саноатда йиллик план муваффақиятли бажарилгани ҳолда ишлаб чиқариш ва маҳсулотни реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, жамғарма тўплаш ва маҳсулот таннархини камайтириш планларини бажармаган корхоналар ҳам бор. Каустик сода, айрим нефть маҳсулотлари, темирчилик пресс машиналари, тракторлар, холодильниклар ишлаб чиқариш, ёғоч ташиб олиш, қоғоз, цемент, иморатбоп ғишт, ички трикотаж, балиқ маҳсулотлари ва бошқа айрим маҳсулотларни ишлаб чиқариш йиллик плани бажарилмади.

Кейинги йилларда ишга туширилган бир қанча саноат объектларининг лойиҳадаги қуватини ўзлаштириш соҳасидаги камчиликлар батамом тугатилгани йўқ.

Илмий-тадқиқот, лойиҳалаш, конструкторлик ташкилотлари ва саноат корхоналари халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида фан-техника тараққиёти проблемаларини ҳал қилиш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борди. Янги машиналар, ускуналар, аппаратларнинг 3 мингга яқин нусхалари ва приборларнинг 1200 та турли янги типлари яратилди ва тайёрланди. Техникавий-иқтисодий ва эксплуатация кўрсаткичлари яхши бўлган минг турдан ортиқ янги маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва кўплаб ишлаб чиқаришга киритилди; шу билан бирга эскирган конструкция ва моделдаги бир неча юз хил маҳсулотни ишлаб чиқариш тўхтатилди.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида янги машиналар, механизмлар, материаллар ва анча мукаммал технология жараёнлари жорий этилди, ишлаб чиқаришни янада комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш амалга оширилди. Бирок илмий-тадқиқот ташкилотлари ва кўпгина министрликларнинг корхоналари фан ва техника муваффақиятларини жорий этиш планларини тўла-тўкис бажарганлари йўқ.

Техника тараққиёти ихтирочилар билан рационализаторларнинг актив иштирокида амалга оширилди. Халқ хўжалигига **салкам 3 миллионта ихтиро ва рационализаторлик таклифи жорий этилди. Бу эса бир йилга ҳисоблаганда 2,3 миллиард сўмлиндан ортиқ тежам беради.**

II. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

1968 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кўпайди, колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Мамлакатнинг бир қанча районларида об-ҳаво шароити мураккаб келганига қарамай, колхоз ва совхозлар 169.2 миллион тонна (10,3 миллиард пуд) дон йиғиштириб олдилар.

Дон етиштириш қуйидаги маълумотлар билан ифодаланади:

	1961—1965 йиллар (йиллига ўрта ҳисобда)	1966 йил	1967 йил	1968 йил
Ялпи дон ҳосили — миллион тонна	130.3	171,2	147.9	169.2
Дон ҳосилдорлиги — гектар бошига центнер ҳисобида	10,2	13.7	12.1	13.9

1968 йилда **ялпи дон ҳосили** энг серҳосил келган қарийб 1966 йил даражасида бўлди ва 1961—1965 йилдаги ўртача йиллик етиштирилган дон миқдоридан 30 процент кўп бўлди. дон ҳосилдорлиги эса 1966 йилги даражадан ошиб кетди.

Ўтган йили **ялпи шоли ҳосили** бир миллион тоннадан ортиқ бўлди. Бу эса 1967 йилдагидан 17 процент кўп ва 1961—1965 йиллардаги ҳосилдан ўрта ҳисобда 2.7 баравар зиёддир.

Дон харид қилиш давлат плани ошириб бажарилди. Давлат ресурсларига 69 миллион тонна (4 миллиард 214 миллион пуд) дон тушди.

1968 йилда бошқа асосий қишлоқ хўжалик экинларидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Буни қуйидаги жадвалдан ҳам кўриш мумкин:

	1961—1965 йиллар (йиллига ўрта ҳисобда)	1966 йил	1967 йил	1968 йил
Ялпи ҳосил — миллион тонна				
Пахта	5.0	6.0	6.0	6.0
Қанд лавлаги (саноат учун)	59.2	74.0	87.1	93.6
Кунгабоқар	5.07	6.15	6.61	6.64
Картошка	81.6	87.9	95.5	101.6
Сабзавот	16.9	17.9	20,5	18.5
Ҳосилдорлик — гектардан центнер ҳисобида				
Пахта	20.6	24.3	24.5	24.3
Қанд лавлаги (саноат учун)	165	195	230	263
Кунгабоқар	11.2	12.2	13.8	13.6
Картошка	94	105	115	122
Сабзавот	116	125	141	129

Пахта, қанд лавлаги, кунгабоқар, картошка, меза **харид қилиш давлат плани** ортиғи билан бажарилди. Сабзавот харид қилиш плани бажарилмай қолди.

1 январдаги рўйхатга олиш маълумотлари бўйича **маҳсулдор чорва моллар туёғи** қуйидагича бўлди (миллион бош):

	1966 йил	1967 йил	1968 йил	1969 йил
Хўжаликларнинг барча категориялари				
Қорамол	93.4	97,1	97.2	95.7
Шу жумладан сигирлар	40.1	41.2	41.6	41.2
Чўчқалар	59.5	58.0	50.9	49.0
Қўй ва эчкилар	135.3	141.0	144.0	145.1
Колхозлар, совхозлар ва бошқа давлат хўжаликлари				
Қорамол	65.6	67.8	68.7	68.4
Шу жумладан сигирлар	23.5	24.1	24.5	24.5
Чўчқалар	41.4	41.5	37.3	36.2
Қўй ва эчкилар	103.1	107.7	110.4	111.8

Ўтган йили асосан аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида қорамол ва чўчқалар камайтирилиши ҳисобига бу моллар туёғи бир оз озайди. Жамоат хўжаликларида моллар туёғи таҳминан шундан олдинги йил даражасида қолди.

Колхоз ва совхозларда **молларнинг маҳсулдорлиги ошди.** Буни қуйидаги маълумотлардан ҳам кўриш мумкин:

	1965 йил	1966 йил	1967 йил	1968 йил
Бир сигирдан йиллига ўрта ҳисобда соғиб олинган сут — килограмм	1987	2021	2128	2232
Бир қўйдан йиллига ўртача қирқиб олинган жун — килограмм	2.87	2.89	2.95	3.02
Бир товуқдан йиллига ўрта ҳисобда олинган тухум — дона	132	138	143	152

Молларнинг бир суткада семириши, шунингдек гўштга сўйиладиган молларни семизлиги ошди.

Хўжаликларнинг барча категорияларида **чорвачилик маҳсулотлари етиштириш** қуйидаги маълумотлар билан ифодаланади:

	1961-1965 йиллар (йиллига ўрта ҳисобда)	1966 йил	1967 йил	1968 йил
Гўшт (сўйилган вазнда) миллион тонна	9.3	10.7	11.5	11.6
Сут — миллион тонна	64.7	76.0	79.9	82.1
Тухум — миллиард дона	28.7	31.7	33.9	35.5
Жун — минг тонна	362	371	395	413

Чорвачилик маҳсулотларини давлат йўли билан харид қилиш кўпайди:

Хўжаликларнинг барча категорияларида харид қилинган чорвачилик маҳсулотлари

	1961-1965 йиллар (йиллига ўрта ҳисобда)	1966 йил	1967 йил	1968 йил
Чорва парранда — миллион тонна тирик вазнда	8.6	10.3	11.5	11.9
Сўйилган вазнда	5.2	6.5	7.2	7,4
Сут — миллион тонна	31.1	40.1	42.5	44.0
Тухум — миллиард дона	8,7	11.6	12.9	14.00

Чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш давлат плани ошириб бажарилди.

Колхозларнинг **ялпи даромади** 1967 йилдагига нисбатан 4 процентдан зиёд кўпайди.

Совхозлар умуман 1967 йилни фойда олиб тугалладилар; совхозларни тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш давом этмоқда. 1968 йилда **планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги шаронтида 300 дан кўпроқ совхоз ишлади;** бу совхозлар фойда олиш планини 8 процент ошириб адо этдилар.

Шу билан бирга колхоз ва совхозларнинг ишида нуқсонлар ҳам бор эди. Бир қанча районларда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ва чорва маҳсулдорлиги паст даражада қолмоқда, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш секин ўсмоқда, маҳсулот таннархи, айниқса чорвачилик маҳсулоти таннархи баланд бўлиб қолмоқда; бир қанча совхозлар йилни зарар кўриб тугалладилар; меҳнат унумдорлигини яна ҳам тезроқ ўстириш учун имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаётир.

Қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлаш давом эттирилди. Ўтган йили давлат ва колхозларнинг қишлоқ хўжалигига сарфлаган маблағи 14.7 миллиард сўмни ташкил этди ёки 1967 йилдагидан 12 процент кўп бўлди.

Қишлоқ хўжалиги физик бирликда ҳисоблаганда 292 минг трактор, шу жумладан 109 минг ҳайдов тракторлари, 146 минг юк автомобили ва ихтисослаштирилган автомобиль, 98 минг галла ўриш комбайни, 5.9 минг картошка йиғиштирадиган комбайн ва 11 минг давлати йиғиштирадиган комбайн, 5.7 минг пахта териш машинаси, қаторлаб 41 минг ўроқ машина, 192 минг трактор плуги, 47 минг ер юмшатадиган машина, 205 минг культиватор, 197 минг сеялка, 137 минг косилька, 66 минг минерал ўғит сочиш машинаси, 13 минг гербицид-аммиак машинаси, 69 минг универсал юк ортиш машинаси ва кўпгина бошқа машина ҳамда механизмлар олди. Бирок тракторлар ва баъзи бир бошқа машиналар етказиб бериш плани бир оз бажарилмай қолди.

Қишлоқ хўжалигига 36 миллион тоннадан кўпроқ минерал ўғит етказиб берилди. Бу эса шундан аввалги йилдагига нисбатан 2.6 миллион тонна кўпдир.

Ўтган йили **ўрмон хўжалиги** корхоналарида ўрмонларни тиклаш ишларининг ҳажми бир мунча кўпайди. 2 миллион гектардан кўпроқ майдонда ўрмонларни тиклаш иши амалга оширилди. Шу билан бирга 1.3 миллион гектар ерга кўчат экилди ва ўтказилди, шу жумладан 250 минг гектардан кўпроқ майдонга эрозияга қарши кўчатлар ўтказилди. 39 миллион гектар майдонда ўрмонзорлар барпо этилди.

III. ТРАНСПОРТ

Транспорт барча турларининг юк обороти 1967 йилдагига нисбатан 7 процент кўпайди ва 3419 миллиард тонна-километрни ташкил этди. Умуман беш йилликнинг уч йили мобайнида юк обороти 24 процент ошди.

Юк обороти ва юкларни ташиш йиллик планининг бажарилишини қуйидаги рақамлардан кўриш мумкин:

	1968 йилда бажарилган иш	Йиллик планнинг бажарилиш процентлари	1968 йилда 1967 йилга нисбатан процент ҳисобида
Юк обороти — миллиард тонна-километр			
Темир йўл транспорти	2275	103	105
Умумфойдаланишдаги дарё транспорти	155	108	108
Умумфойдаланишдаги автомобиль транспорти	57	102	103
Нефтепровод транспорти	216	105	118
Юк ташиш — миллион тонна			
Темир йўл транспорти	2690	100,8	104
Умумфойдаланишдаги дарё транспорти	322	104	107
Умумфойдаланишдаги автомобиль транспорти	3533	103	100,8
Нефтепровод транспорти	301	106	110

Денгиз транспорти чет элларга сафарда юк ташиш ва юкларни соҳилга ташиш йиллик планини ошириб бажарди. Қатновнинг барча турларида юк обороти ой йил ичида 11 процент ва юк ташиш 4 процент ортди.

Ҳаво транспорти самолётларда юк ташиш ва пассажирлар обороти умумий ҳажми йиллик планини ошириб бажарди. 60 миллиондан кўпроқ киши самолётларда ташилди. Пассажирларни ташиш шундан аввалги йилдагига нисбатан 10 процент, пассажир обороти — 16 процент, юк обороти — 10 процент кўпайди. Халқ хўжалиги тармоқларида авиациядан фойдаланиш соҳасидаги иш ҳажми 13 процент ортди, қишлоқ хўжалигида ва ўрмон хўжалигида авиа-химия ишлари 6 процент кўпайди.

1968 йилда барча темир йўллар, денгиз пароходчиликлари, граждан авиацияси бошқармалари, деярли барча дарё пароходчиликлари ва умумфойдаланишдаги автомобиль хўжаликлари **планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига** ўтказилди.

Темир йўлларнинг юрадиган ҳамма составидан фойдаланиш шундан аввалги йилдагига нисбатан яхшиланди; локомотивларнинг иш унуми 3 процент, юк вагонларининг иш унуми бир процент ошди; денгиз транспортида қуруқ юк ташийдиган флотнинг иш унуми 8 процент ва нефть ташиш флотининг иш унуми 6 процент ошди; қуруқ юк ташийдиган дарё кемаларининг иш унуми 3 процент кўпайди; юк ташийдиган автомобилларнинг иш унуми 4 процент ортди.

Темир йўлда, денгиз ва дарё транспортида **меҳнат унумдорлигини** ошириш ҳамда юк ташиш **таннархини камайтириш** плани бажарилди.

Умуман транспортнинг барча турлари бўйича **фойда олиш** плани ошириб адо этилди. Фойда олиш 1967 йилдагига нисбатан 8 процент ортди, шу билан бирга темир йўл транспортида фойда олиш 6 процент, денгиз транспортида 13 процент, ҳаво транспортида — 25 процент кўпайди.

Темир йўл транспорти тошкўмир, қора металлар, нефть ва галла ташиш йиллик планини тўла ва ошириб адо этди.

Шу билан бирга руда, ёғоч-тахта, минерал ўғит ва цемент ташиш плани бажарилмади, локомотивнинг суткалик ўртача иш унуми топшириғга тўлиқ бажарилмай қолди, техник станцияларда вагонларнинг бекор туриб қолиши кўпайди. Айрим темир йўлларда тайёр маҳсулот ортиш учун бўш вагонларни ўз вақтида етказиб бермаслик ҳоллари содир бўлди.

Анчагина саноат корхоналари юкларни ортиш ва тушириш вақтида вагонларни белгиланган нормадан ортиқ бекор туриб қолишига йўл қўйди, кўпгина корхона ва ташкилотлар келтирилган юкларни темир йўл станцияларидан ўз вақтида ташиб ололмадилар.

Денгиз ва дарё транспортида кемаларнинг бекор туриб қолиши ва бўш қатнаш ҳоллари ҳали ҳам кўп учрайди. Автомобиль транспортида юк ташийдиган автомашиналардан фойдаланишда катта камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Электровоз ва тепловоз билан ишлашга кўчирилган темир йўлларнинг узунлиги йил охирига бориб, 100 минг километрдан ошиб кетди. Электровоз ва тепловоз билан темир йўл транспорти умумий юк оборотининг 94 процентидан кўпроғи бажарилди.

IV. КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

Ўтган йили мамлакатда катта-катта капитал қурилиш ишлари амалга оширилди.

Пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига 55 миллиард сўмдан зиёд миқдорда ёки 1967 йилдагига нисбатан 6 процент кўп **асосий фондлар** ишга туширилди. Беш йилликнинг уч йили мобайнида асосий фондларни ишга туширишнинг 23 процент кўпайди.

Янги корхоналар қуриш, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ҳисобига ишлаб **чиқариш қувватлари қандай ишга туширилганлигини қуйидаги маълумотлардан тушуниш мумкин:**

	1968 йилда ишга тушириллган қувватлар (дастлабки маълумотлар)
Электр станциялар — миллион киловатт	10.5
Кўмир — миллион тонна	12.5
Пўлат — миллион тонна	1.4
Қора металлар прокати (тайёри) — миллион тонна	0,7
Темир руда — миллион тонна	28
Минерал ўғитлар — миллион тонна	5
Пластик массалар ва синтетик смола — минг тонна	210
Химиявий тола — минг тонна	15.4
Лак ва бўёқлар — минг тонна	10.6
Автомобиллар — минг дона	43
Турбиналар — минг киловатт	710
Куч трансформаторлари — миллион киловольтампер	3.6
Экскаваторлар — минг дона	1,0
Цемент — миллион тонна	2.8
Целлюлоза — минг тонна	343
Тўқиш станоклари (установкалари) — минг дона	11
Чарм пойафзал — миллион жуфт	55
Устки ва ички трикотаж — миллион дона	60
Қанд-шакар — суткасига қайта ишланган қанд лавлагининг минг центнери	110
Гўшт — сменада тонна ҳисобида	268
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти — сменада минг тонна сут ҳисобида	2.0
Магистрал газ қувурлари ва уларнинг тармоқлари — минг километр	3.4
Магистрал нефть қувурлари ва маҳсулот қувурлари — минг километр	1.0
Умумфойдаланишдаги янги темир йўллар — километр	331
Электрлаштирилган темир йўллар — километр	1632
Элеваторлар — минг тонна	1276
Ғалла омборлари — миллион тонна	7

Бундан ташқари ишлаб турган корхоналарда ишлаб чиқаришни механизациялаш ва интенсивлаш, технология жараёнларини яхшилаш, машина-ускуналарни модернизация қилиш ва бошқа ташкилий-техникавий тадбирлар ҳисобига ишлаб чиқариш қувватларининг ўсишига эришилди.

Ўтган йил мобайнида қарийб 300 та янги йирик саноат корхонаси, шунингдек ишлаб турган корхоналарда кўплаб цех ва ишлаб чиқариш **ишга туширилди.**

Қишлоқ хўжалигида давлат плани бўйича ажратилган маблағлар ҳисобигагина қорамолларни асраш учун 808 минг бош мол сигадиган, чўчқаларни асраш учун 665 минг бош чўчқа сигадиган, қўйларни асраш учун 2.2 миллион бош қўй сигадиган ва паррандаларни асраш учун 3.3 миллион парранда сигадиган чорвачилик бинолари фойдаланишга топширилди. 2.9 миллион говуқ сигадиган парандачилик фабрикалари ва гўшт олиш учун йилига 12 миллионта жўжа очирадиган паррандачилик фабрикалари қурилди. 264 минг гектар майдонда янги суғориладиган ерлар қишлоқ хўжалик оборотига жорий қилинди. 771 минг гектар сернам ва ботқоқ ерларнинг намини қочириш ишлари амалга оширилди ва 6.7 миллион гектар яйловга сув чиқарилди.

Халқ хўжалигига сарфланган **барча капитал маблағлар** 61.5 миллиард сўмни ташкил қилди ва 1967 йилдагига нисбатан 8 процент кўпайди. Шу билан бирга давлат йўли билан марказлаштирилган тарада капитал маблағ сарфлаш 5 процент, пул билан таъминлашнинг марказлаштирилмаган манбалари ҳисобига амалга оширилган давлат йўли билан капитал маблағ сарфлаш 26 процент кўпайди.

(Давоми учинчи бетда).

БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

(Боши 1 ва 2-бетларда).

Қурилишда **меҳнат унумдорлиги** шундан аввалги йилдагига нисбатан 4 процент ортди.

Қурилиш-монтаж ташкилотлари **бажарган барча пудрат ишларининг** ҳажми бир йил ичида 7 процент кўпайди.

Айрим министрликлар бўйича пудрат ишлари планининг бажарилиш ва уни ўстириш суръатлари қуйида келтирилади:

	Пилдик планнинг бажарилиши процентида	1968 йилда 1967 йилдагига нисбатан процент ҳисобида
Умуман СССР бўйича	98	107
шу жумладан:		
СССР Оғир индустрия корхоналари қурилиш министрлиги	96	105
СССР Саноат қурилиши министрлиги	91	105
СССР Қурилиш министрлиги	94	105
СССР Қишлоқ қурилиши министрлиги	95	108
Транспорт қурилиши министрлиги	100,1	102
СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги	100,4	106
СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги	98	117
Газ саноати министрлиги	100,9	110
СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги	107	107

Колхозлараро пудрат қурилиш ташкилотлари бажарган ишлар ҳажми 11 процент кўпайди.

Лойиҳалаш ташкилотлари қурувчиларга топширган лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳажмини 10 процент кўпайтирдилар.

Пудрат қурилиш ташкилотларининг олган **фойдаси** 16 процент ортди.

Қурилишда ҳали ҳам жиддий нуқсонлар бор. Ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларни ишга туширишнинг йиллик планлари тўла бажарилмай қолди. Пудрат ишлар плани, шунингдек умуман қурилиш бўйича ҳамда кўпгина қурилиш ташкилотларида меҳнат унумдорлигини ошириш ва таннархини қамайтириш топшириқлари билан биргаликда жамғарма тўплаш планлари ҳам тўлиқ бажарилмай қолди.

Бир қанча қурилишларда қурилиш ва монтаж ишларини уюштиришда, ишчи кучи ва механизмлардан фойдаланишда, материаллар билан таъминлашда жиддий камчиликлар бор. Бир қанча ҳолларда лойиҳалаш ташкилотлари қурилишга ҳужжатларни ўз вақтида бермайдилар, лойиҳа ва сметаларда хатоликларга йўл қўядилар.

V. ХАЛҚ МОДДИЙ ФАРОВОНЛИГИ ВА МАДАНИЙ САВИЯСИНИНГ ЎСИШИ

Истеъмол ва жамғариш учун фойдаланилган **миллий** даромад бир йил ичида 7,2 процент кўпайди; беш йиллигининг уч йили мобайнида миллий даромад 23 процент ошди.

Халқ хўжалигидаги **ишчилар ва хизматчиларнинг ўртача йиллик миқдори** 85,1 миллион кишидан иборат бўлди ва 1967 йилдагига нисбатан 2,8 миллион киши ёки 3,5 процент кўпайди.

Бундан аввалги йиллардаги сингари ўтган йилда ҳам мамлакатда ишсизлик бўлмади.

1968 ИЙЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ Совет халқининг моддий фаровонлигини янада ошириш юзасидан бир қанча муҳим тадбирлар амалга оширилди. Халқ хўжалиги барча тармоқларидаги ишчилар ва хизматчиларнинг **минимал иш ҳақи миқдори** ойига 40-45 сўмдан 60 сўмга кўтарилди. Иш ҳақининг бундай оширилиши ишчилар ва хизматчиларга ойида камида 60 сўм миқдорида тариф ставкалари ва лавозим окладлари белгилаш йўли билан амалга оширилди. Ходимларнинг айрим категорияси учун тариф ставкалари ва ойлик маоши ойига 70 сўмгача миқдорда оширилди. Узоқ Шарқ районларидаги ва Европанинг шимолидаги халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларида иш ҳақига қўшимча ҳақ тўланадиган бўлди. Бундай қўшимча ҳақ илгари белгиланмаган эди. Халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги машинасозлик ва металл ишлаш корхоналари ҳамда цехларида станокларда ишлаётган ишчиларнинг тариф ставкалари оширилди. Узоқ Шимол районларида ва унга тенглаштирилган жойларда ишлаётган кишилар учун имтиёзлар кўпайтирилди. Илгари ҳаммаси бўлиб 12 иш куни миқдорида отпуска олаётган ишчилар ва хизматчиларга отпуска муддати 15 иш кунига кўпайтирилди. Меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганларга нафақа миқдори оширилди, ишчилар, хизматчилар ва колхозчиларнинг пенсия таъминоти яхшиланди. Ойига 61 сўмдан 80 сўмгача маош оладиган ишчилар ва хизматчилардан олинадиган солиқ ставкалари ўрта ҳисобда 25 процент камайтирилди.

Ишчилар ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи пул билан 112,5 сўмдан иборат бўлди ва 7,5 процент ошди; ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобига тўловлар ва имтиёзлар билан қўшиб ҳисоблаганда иш ҳақи 1967 йилги 140 сўм ўрнига 151 сўмдан иборат бўлди. **Колхозчиларнинг меҳнат ҳақи ошди.**

Аҳоли ижтимоий истеъмол фондларидан 55 **миллиард** сўм миқдорида, ёки илгариги йилдагига қараганда 11 процент кўп **пул ва имтиёзлар** олди. Шу фондлар ҳисобидан текин ўқитиш ва медицина хизмати таъминланди, пенсиялар, нафақалар ва социал-таъминот ҳамда социал страхованиенинг бошқа турлари, стипендиялар тўланди, санаторийлар ва дам олиш уйларига текин ёки қулай шартлар билан путёвкалар берилди, отпуска ҳақи тўланди, болаларни боғчалар ва яслиларда боқиш учун сарфланди.

Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда **меҳнаткашларнинг реал даромади** 1967 йилдагига нисбатан 6,1 процент, беш йилликнинг уч йили ичида эса 20 процент ошди.

Аҳолининг омонат кассаларига қўйган пуллари 5,5 миллиард сўмга кўпайди ва 1969 йил 1 январида 32,4 миллиард сўмга етди. Омонат дафтарчалар сони 68 миллиондан ошиб кетди.

Давлат ва кооператив савдосининг **чакана товар оборoти** 132,8 миллиард сўмдан иборат бўлди ва бир йил мобайнида таққослама нархларда 8,7 процент ошди. Аҳолига пландан ташқари 1,8 миллиард сўмлик товар сотилди. Беш йилликнинг уч йили мобайнида чакана товар оборoти ҳажми 29 процент кўпайди.

Давлат ва кооператив савдосида **айрим товарларни сотиш** қуйидагича ўзгарди:

	1967 йилдагига нисбатан 1968 йилда товар сотишнинг ўсиши (процент ҳисобида)
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	108
Балиқ, сельд ва бошқа балиқ маҳсулотлари	108
Мол ёғи	107
Ўсимлик ёғи	105
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари	111
Пишлоқ	112
Тухум	110
Нон маҳсулотлари	99
Қанд-шакар	103
Кондитер товарлари	106
Чой	103
Картошка	101
Сабзавотлар	101
Мевалар	114
Цитрус мевалар	101
Ип газламалар	100
Жун газламалар	106
Зиғир толасидан тўқилган газламалар	111
Шойи газламалар	94
Кийим-кечак ва ич кийимлар	112
Трикотаж буюмлар	115
Пойпоқлар	113
Чарм пойафзал	110
Чинни-фаянс ва шиша идишлар	110
Совун	98
Синтетик ювувчи воситалар	133
Мебель	108
Тикиш машиналари	100
Холодильниклар	120
Кир ювиш машиналари	109
Пылисослар	113
Соат	103
Мотоцикль ва мотороллерлар	102
Велосипед ва мотовелосипедлар	102
Радиоприёмник ва радиолалар	103
Телевизорлар	115
Фотоаппаратлар	109
Енгил автомобиллар	107

Товар оборoти анчагина ортгани ҳолда аҳолининг баъзи товарларга, чунончи жун газлама, кийим кечак, пойафзал, бинокорлик материалларига, айрим маданий-маиший товарларга ва рўзғорда ишлатиладиган химик товарларга бўлган эҳтиёжи тўла равишда таъминланмади.

Колхоз бозорларида 3,8 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилди ва бу маҳсулотларнинг ҳажми 1967 йилги даражасида қолди.

Мамлакат экономикасининг муваффақиятли ривожланганлиги чакана товар оборотининг ва аҳолига кўрсатилган хизматнинг ўсиши **пул муомаласининг барқарор бўлишини таъминлади.**

Давлат ва кооператив корхоналари билан ташкилотлари, колхозлар ҳамда аҳоли мамлакатнинг шаҳар ва қишлоқ жойларида **жами (фойдали) майдони 102 миллион квадрат метрдан кўпроқ бўлган қарийб 2,3 миллион обод янги квартира ва уйларни фойдаланишга топширдилар.** Ўтган йили салкам 11 миллион киши янги уйларга кўчиб кирди, шунингдек илгари қурилган уйларда ув-жой шароитини яхшилаб олди. Давлат ва колхозларнинг маблағи ҳисобига 1,7 миллион ўринли умумий таълим мактаблари, 540 минг ўриндан кўпроқ мактабгача тарбия болалар муассасалари, кўп миқдорда касалхона ва поликлиникалар ҳамда кўпгина бошқа маданий-маиший объектлар қурилди. Бироқ уй-жой ва маданий-маиший қурилиш плани тўлиқ бажарилмай қолди.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишларининг ҳажми 1967 йилдагига нисбатан умуман 17 процент, қишлоқ жойларда эса 23 процент кўпайди. Янги комбинатлар, механизациялашган кирхоналар, кийим-кечак, пойафзал, трикотаж буюмларни ремонт қиладиган ва тикадиган, рўзғор машиналари билан асбобларини ремонт қиладиган ателье ва устахоналар, шунингдек маиший хизмат кўрсатадиган бошқа корхоналарни қуриш ҳамда фойдаланишга топшириш ишлари давом эттирилди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг шохобчаси бир йил мобайнида 10,5 мингга кўпайди. Шунга қарамай мавжуд корхоналар ва қабул қилиш пунктлари айниқса қишлоқ жойларида ҳали ҳам етишмаётир. Маиший хизмат кўрсатиш буюртмаларини бажариш сифати ва муддатлари ҳамма вақт ҳам аҳолини қаноатлантираётгани йўқ.

Шаҳар ва қишлоқларни янада обод қилиш ишлари амалга оширилди. Ўтган йили қарийб 2,7 миллион квартира **газ билан таъминланди.**

Халқ маорифи, фан ва маданиятни ривожлантиришда янги муваффақиятларга эришилди.

Таълимнинг хилма-хил турларига 77 миллиондан ортиқ киши жалб этилди, булардан 49 миллиондан кўпроқ киши умумий таълим мактабларида, 4,5 миллион киши олий ўқув юртларида, 4,3 миллион киши техникумларда ва бошқа ўрта махсус ўқув юртларида таълим олди.

4,4 миллион киши 8 йиллик мактабни ва 2,5 миллион киши ўрта умумий таълим мактабларини тамомлаб чиқди.

1968—1969 ўқув йили бошида мактабларда ва куни узайтирилган группаларда 3,9 миллион бола ёки шундан аввалги ўқув йилидагига нисбатан 14 процент кўп бола бор эди.

Мактабгача бўлган тарбия муассасаларида 9 миллион бола тарбияланди. Бу эса 1967 йилдагига нисбатан 7 процент кўпдир. Бундан ташқари мавсумий болалар муассасаларида 4,5 миллиондан кўпроқ болага хизмат кўрсатилди.

Болалар ва ўсмирлардан қарийб 17 миллион киши ёз давомида пионер ва мактаб лагерларида, болалар санаторийларида, экскурсия-туристик базаларда дам олди ёки ёз мавсумида болалар муассасалари билан бирга дачалар жойларга бордилар.

Халқ хўжалиги бир йил ичида олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тамомлаган **1,4 миллиондан кўпроқ мутахассисга** эга бўлди. Булардан 500 мингдан кўпроқ киши олий маълумотли ва 900 минг киши ўрта махсус маълумотлидир; бундан аввалги йилдагига нисбатан олий ўқув юртлари ва техникумларни тамомлаб чиққанлар сони 130 минг кишига ёки 10 процент кўпайди.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига 2,2 миллион киши, шу жумладан, олий ўқув юртларига 900 минг киши ва ўрта махсус ўқув юртларига 1,3 миллион киши **қабул қилинди.**

Ишчилар, хизматчилар ва колхозчиларни тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш ишлари кенг кўламда амалга оширилди. **Ҳунар-техника таълими билим юртларида** бир йил ичида 1,3 миллиондан кўпроқ ёш малакали ишчи тайёрланди. Бевосита корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда, шунингдек колхозларда якка тартибда бригада шаклида таълим олиш ва курсларда ўқиш йўли билан 17 миллиондан кўпроқ киши янги касбларни билиб олди ва ўз малакасини оширди.

Илмий муассасаларда, олий ўқув юртларида ҳамда бошқа муассаса ва ташкилотларда ишлаётган **илмий ходимлар** сони йил охирига келиб 800 минг кишидан ошиб кетди, булардан 200 мингдан кўпроқ киши фан доктори ёки кандидати илмий даражасига эга.

Киноустановкалар сони 155 мингтага етди. Бир йилда киносеансларни бориб кўрган кишилар сони 4,7 миллиардга етди.

Аҳолига медицина ёрдами яхшиланди. Турли ихтисосдаги врачлар сони бир йил ичида 26 минг кишига, касалхоналардаги ўринлар сони 93 мингтага кўпайди. Санаторийлар, дам олиш уйлари, пансионатлардаги ўринлар сони ҳам ошди.

1968 йилда мамлакатда 4,1 миллион бола **туғилди**, 1,8 миллион киши ўлди, **аҳолининг ўсиши** 2,3 миллион кишини ташкил этди; шу билан бирга шаҳар аҳолиси қариб 3 миллион кишига кўпайди, қишлоқ аҳолиси шаҳарларга ўтганлиги туфайли уларнинг сони бир оз камайди.

Совет Иттифоқи аҳолисининг умумий сони 1969 йилнинг 1 январигача 239 миллион кишини ташкил этди.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

Ленинград қамали тугатилганига 25 йил тўлди

МАНГУ ШИЖОАТ

Ленинград, (ТАСС). Шаҳарнинг энг катта залы бўлган «Октябрский» залида 26 январда янграган: «Кўзғол, улуғ мамлакат!» қўшиғининг улуғвор ва баҳайбат оҳанглари Нева қалъаси олдида гитлерчилар тор-мор келтирилганлигининг 25 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бошланганлигидан дарак берди.

Мажлис президиумида — шаҳар мудофаасининг қаҳрамонлари, машҳур ҳарбий сарнардалар, душман орқасидаги ерларда жанг қилган партизан отряд ларининг ветеранлари, ленинградликларнинг меҳмонлари — қаҳрамон шаҳарлар Москва, Волгоград, Киев, Севастополь, Одесса шаҳарларидан, қаҳрамон қалъа Брестдан келган делегацияларнинг аъзолари, Новгород ва Псков областлари юборган вакиллар, СССР Мудофаа министрлигининг делегацияси ўтиришибди.

Тантанали мажлисни Ленинград шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси А. А. Сизов очди.

Мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини фахрий президиумга баланд руҳ билан сайладилар.

КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари В. С. Толстиков Ленинграднинг душман қамалидан тамомила озод қилинганига 25 йил тўлганлиги тўғрисида доклад қилди.

Иттифоқдош ва автоном республикалардан, ўлкалар, областлар ва шаҳардан, кемалар ва ҳарбий қисмлардан ленинградликлар номига жуда кўп қутлов ва табрикномалар келди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига табриннома йўлладилар.

Кечкурун байрам қаҳрамон шаҳар кўчаларида, майдонларида, проспектларида давом этди.

БОҚИЙ УМР

Кеча революция бешиги — Ленинград шаҳри қамали тугатилганига 25 йил тўлди.

Мана, шаҳар кўчаларидан бормоқдаман. Уни айланар эканман, ўтган чорак аср мобайнида қаҳрамон шаҳар таниб бўлмас даражада ўзгаргани, янада салобат, улуғворлик касб этганини, янада кўркамлашганини ҳис этдим. Ана шу гўзал, салобатли шаҳар учун, доҳий номи билан аталган шаҳар учун Улуғ Ватан уруши йилларида ўз азиз жонини фидо қилган жангчилар, Ленинград ҳимоячиларининг жасорати, қаҳрамонликлари беихтиёр ёдимга тушди. Ленинградни тез ва ҳеч қандай қаршиликсиз қўлга олишни ўйлаган душман шаҳарга ўзининг жуда катта кучини қаратгаш эди. У шаҳарга яқинлашгач, кутилмаганда қаттиқ қаршиликка учради. Ҳар бир ленинградлик ўз она шаҳрини ҳимоя қилишга отланди. Немислар шаҳарни ўровда қолдиришга ҳаракат қилдилар. 1941 йил сентябрида Ленинград мамлакатдан узиб қўйилди. Фашист босқинчилари кетма-кет ҳужум қилишар, ҳар гал улар қақшатқич зарбага учрар эдилар. Ленинградни мудофаа қилаётган қисмларда барча миллат фарзандлари елкама-елка туриб жанг қилдилар.

Ленинград фронти қўшинларида ўзбек халқининг мард фарзанди Қаюм Раҳмонов ҳам қаҳрамонона курашди. У сўнгги нафасигача улуғ ва муқаддас ҳарбий бурчга содиқ қолди. У қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Биз тарихий галабани нишонлар эканмиз, қўркмас жангчи, ажойиб ватанпарварни эсламасдан иложимиз йўқ. Ленинград мудофаси қаҳрамонларининг кўкрак чўнтагидан қуролдошлари топган ва Қаюм Раҳмоновнинг ўз дўстларига қилган васиятига ўхшайди. Мактубда жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳокимиятига садоқат ҳислари ўз ифодасини топган:

«Ҳаёт — бу Ватан, — деб ёзади Қ. Раҳмонов, — Ватан — бу менинг онам, менинг қишлоғим, менинг Совет мамлакатим. Агар душман она-Ернинг бир қаричини олса, у менинг жисмимни бир бўлагини кесиб олгандек бўлади. Мен қуёш ўлкасидан, «оқ олтин», боғ-роғлар ўлкасидан, бахт-саодат маконидан келганман. Фашист босқинчилари мамлакатимизга бостириб кирганларида мен Фарғона водийсининг тиғраб кетганини ҳис этдим «Душман йўлини тўсиш керак, ўз уйимиз, ўз оиламизни ҳимоя қилишимиз лозим», — деган сўзлар ҳар бир ватанпарвар ўзбекнинг хаёлидан ўтарди ва мен Ленинградга келдим. Москвасиз, Ленинградсиз, Совет Россиясисиз озод Ўзбекистоннинг бўлиши мумкин эмас.

...Совет ҳокимияти ўзбекларга берган ҳақ-ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун ўз ҳаётимни ҳам аямайман».

Қаҳрамон жангда қурбон бўлган тақдирда командирларга ва бош қўмондонларга у Ватан олдидаги ўз бурчини бажаргани айтишларини илтимос қилган эди. Ватан душманларига қарши қаҳрамонона курашиш учун жуда катта куч ва ажойиб қалб эгаси бўлиши лозим. Ленинград ҳимоячиларининг ҳаммаси, шу жумладан, Қаюм Раҳмонов ҳам ана шундай куч ва қалбга эга эдилар. Жуда катта муваффақиятсизликларга учраб турилган кунларда дунёдаги ҳеч бир армиянинг солдати ана шундай кураша олган эмас. Фақат совет солдати, совет халқигина ана шундай кураша олади.

Ленинград қаҳрамонларининг номи совет халқлари хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди. Ленинград ҳимоячиларининг барчасини — руслар ва ўзбеклар, арманлар ва белоруслар, қозоқ ва украинларни — оғаларча дўстлик ва биродарлик ҳисси, совет ватанпарварлиги туйғулари бирлаштирган эди.

Ленинграднинг кўркам ва салобатли кўчаларини кезар эканман, қалбим пролетар революцияси шаҳри учун энг сўнгги томчи қони қолгунча қаҳрамонона курашганларга чексиз миннатдорчилик ҳиссига тўлиб-тошмоқда. Совет солдати — ўзбек халқининг қаҳрамон ўғлони Қаюм Раҳмонов, сен совет халқи хотирасида кўркмас жангчи бўлиб қоласан.

Ленинграддан 29 километр берида, йўл ёқасида обелиск қад кўтарган. Унинг гранит тахтасига қуйидаги сўзлар ёзилган:

«1941 йил сентябрида ана шу ерларда 55-армия жангчиларининг енгилмас иродаси ва мардлиги Ленинградга бостириб кираётган душманни тўхтатиб қолган».

Ленинград жангчилари: «душманни шаҳарга йўлатмаймиз, уни шу ерда мажақлаймиз» деб қасамёд қилган эдилар. Жангчилар ўз қасамёдларига содиқ қолдилар.

А. ЧЕБУРАШКИН,
Ленинград шаҳри.

ИРРИГАТОРЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ

27 январь куни Тошкентда бутуниттифоқ илмий-техника кенгаши очилди. Кенгашда Москвадан, Россия Федерацияси, Украина, Кавказ, Молдавия, Ўрта Осиё ва Қозоғистондан келган таниқли ирригатор олимлар, сув хўжалиги мутахассислари қатнашмоқдалар.

Кенгашни Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги А. Н. Аскоченский очди. «Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва суғориш системаларидан фойдаланиш соҳасида илмий ва ишлаб чиқариш ташкилотларининг вазифалари» тўғрисида СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрининг биринчи ўринбосари К. К. Шубладзе доклад қилди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. М. Матчонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. А. Габриельянц қатнашдилар.

Тўрт кун мобайнида кенгашда олимлар билан инженерларнинг юздан ортиқ доклад ва ахборотни тингланади. (ЎзТАГ).

СЕМИНАР-КЕНГАШ

САМАРҚАНД. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Бу ерда область партия комитети томонидан семинар-кенгаш ўтказилди. Шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари, район ижроия комитетларининг раислари, обком бюро аъзолари ва бўлим мудирлари иштирок этган семинар-кенгашни область партия комитетининг биринчи секретари С. Н. Усмонов қисқача нутқ сўзлаб очди.

Сўзга чиққанлар КПСС XXIII съезди ва партия Марказий Комитети кейинги Пленуми қарорларини муваффақиятли амалга оширилаётганлиги, партиявий-ташкилий ва идеология ишларининг янги форма ва методлари ҳақида гапирдилар. Партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни олиб боришдаги тажрибаларини алмашдилар.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Л. ЭРГАШЕВ.

ИЖОДКОР ИШЧИЛАР

Тошкент заргарлик фабрикасининг аҳил коллективи январь ойи ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажариш учун қаҳрамонлик қилмоқдалар. Фарҳод Аҳмедов бошчилик қилаётган алюминий цехининг Халил Маликов, Фарида Усмонова, Мавзура Каримова ва Фарида Исаева каби илғор ишчилари кунлик нормаларини 1,5-2 баравар адо этмоқдалар.

Фабрикада рационализаторлар кўп. Бултур уларнинг рационализаторлик таклифлари фабрикага 40 минг сўмдан ортиқ фойда келтирди. Ишчи Олимжон Маҳкамбоев томонидан яқинда киритилган рационализаторлик таклифи икки кунлик ишни бир соатда бажариш имконини бермоқда.

А. ФОЗИЛОВ,
А. МАННОПОВ.

ХАЗИНА

Тошкентдаги Гоголь кўчасида, Ўзбекистон Фанлар академияси рўпарасидаги бинода Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги министрлигининг илмий кутубхонаси жойлашган. Бу хазина коллективи дунёдаги қирқ мамлакат ва Совет Иттифоқидаги 80 илмий ташкилот билан китоб алмашиб туради.

Республика марказий илмий қишлоқ хўжалик кутубхонасининг ўзига хос тарихи бор. У 1929 йил охирида Ўзбекистон ССР Ер ишлари Халқ Комиссарлиги ҳузуридаги Бош пахта комитетининг кутубхонаси базасида ташкил қилинган. Ўша йиллари 7 минг китоб фондига эга эди. Кутубхона тез ўсди ва ўзининг фаолиятини ошира борди. Бир қанча бўлимлар ғузилди. Кутубхона биринчи йиллари чет эл мамлакатларида пахтачилик соҳасида эришилган фан ва тажриба ютуқлари билан яқиндан танишиш мақсадида улар билан алоқа боғлади.

Ҳозир марказий илмий кутубхона уч юз минг китоб фондига эга. Кутубхонада қишлоқ хўжалик, айниқса пахтачилик тарихига оид минглаб адабиётлар авайлаб қўйилган. Масалан 1906—1912 йилларда Ўрта Осиё ва Закаспий областларида пахтачилик тажриба хўжаликларининг аҳволи ва фаолиятига оид ҳисоботлар. «Туркистов қишлоқ хўжалиги», «Пахта иши», «Ирригация вестниги» «Совет пахтачилиги» каби нўпланиб журнал ва илмий мақолалар сақланмоқда.

Сўнгги йилларда кутубхона каталог системасига ўтди, бу билан қишлоқ хўжалик фанига оид адабиётларни тез топишга қулай имконият яратилди. Библиография бўлими ташкил топган йилларидан то ҳозиргача 90 хил адабиётлар кўрсаткичи тузди ва нашрдан чиқарди. Жумладан, 1953 йилдан бери «Суғориладиган ерларда пахтачилик» адабиётлар кўрсаткичи ҳар йили нашр қилинмоқда. Бунда қишлоқ хўжалик фанларига оид китоб, брошюра, журнал мақолалари, тўплам материаллари, доклад тезислари рўйхати кўрсатилади.

Ҳозир китобхонлар сони 2212 тадан 16 минг 160 тага етди.

Бу йил кутубхона ташкил этилганига 40 йил тўлди. Кутубхонада кўп йиллардан бери самарали меҳнат қидиб келаётган жонкуяр Клавдия Борисовна Карп, Ҳожинисо Каримбоева, Ҳалимахон Умарова, Нина Карагиновна Еремянц, Нина Семёновна Рапопорт ўртоқлар Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланганлар.

Кутубхона Иттифоқимизда бўлиб ўтадиган кутубхоналар кўригида актив қатнашиб туради. Бу кўрикларда қиммат-баҳо мукофотлар олмоқда. Масалан, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллик юбилейида Бутуниттифоқ жамоатчилик кўригида қатнашди ва СССР Маданият министрлигининг биринчи даражали дипломини олишга эришди.

Кутубхонага кўп йиллардан бери коммунист Камолжон Неқадамбоев директорлик қилаётир. У СССР Маданият министрлигининг «Аълочи кутубхоначи» белгисини олишга муваффақ бўлди.

А. РАҲИМОВ.

ҚАРДОШ БОЛГАРИЯДА



БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Суратларда (чапдан): Димитровград шаҳри ва Ямболдаги тола ишлаб чиқариш комбинатининг кўриниши.

Халқаро ҳаёт

«ФРАНЦИЯ—СССР» ЖАМИЯТИ В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ ЮЗ ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА

ПАРИЖ. (ТАСС мухбири). Франция — СССР жамиятининг миллий секретари Андре Ланглуа ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: XX аср жаҳонда биринчи социалистик давлат бўлган Совет Иттифоқининг асосчиси В. И. Ленин ғоялари таъсири остида ўтмоқда.

В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллиги, деб таъкидлади у, инсоният учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган юбилейдир. В. И. Ленин марксизмни ривожлантиришда ғоят қимматли ва ҳар томонлама ҳисса қўшди. Улуғ доҳий тинчликни сақлаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилганлиги биз учун айниқса қимматлидир. В. И. Ленин имзолаган Совет ҳокимиятининг дастлабки декретларидан бири сулҳ тўғрисида декрет эканлигини барча кишилар яхши биладилар. Совет Иттифоқи изчиллик билан доимо ўтказиб келаётган тинч-тотув яшаш сиёсатини ҳам В. И. Ленин асослаб берган эди.

Биз, французлар В. И. Ленин муҳожирликда бўлган вақтида Францияда яшаганлиги ва ишлаганлиги билан фахрланамиз. Бу ерда у актив сиёсий иш олиб борди, Франциянинг прогрессив арбоблари ва маданият намояндалари билан алоқа боғлади, оддий меҳнаткашлар билан учрашиб турди.

«Франция — СССР» жамияти, деб уқтириб ўтди миллий секретарь, В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллигига энг хилма-хил характердаги тадбирларнинг катта программасини тайёрламоқда. Бу программада, жумладан, В. И. Ленин Францияда бўлган вақтда у яшаган жойларга — Париж, Лонжюмова Британига сафарлар уюштириш, шунингдек Совет Иттифоқида Ленин бўлган жойларга туристик саёҳатлар ташкил этиш кўзда тутилади. Совет давлати гениал доҳийси ва асосчисининг ҳаёти, фаолияти тўғрисида лекциялар ўтказиш мўлжалланади. В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллиги муносабати билан ЮНЕСКО ташкил қиладиган намойишларда жамиятимизнинг иштирок этиши тўғрисидаги масала қараб чиқилмоқда.

Умуман Ленин юбилейига тайёргарлик жамиятнинг ҳамда Франциянинг 75 департаменти даги 400 маҳаллий ташкилотининг бутун фаолиятини белгилаб беради.

С. СЕРЕБРЯННИКОВ.

ПРАГАДА ХАЛҚ МИЛИЦИЯСИ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

ПРАГА. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлиги хабар беради: 24 январда Прагаанинг Фучик номли боғидаги съездлар саройида Прага ва Ўрта Чехия области халқ милицияси жангчилари активининг йиғилиши бўлди. Актив йиғилиши «Партиянинг марксча-ленинча бирлиги учун кураш» шиори остида ўтди.

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Чехия ўлкасида партия ишларига раҳбарлик қилувчи бюросининг раиси Л. Штроугал ҳозирги сиёсий аҳвол тўғрисида доклад қилди. Л. Штроугал ўз докладида айтдики, барча коммунистларнинг принципиал асосда бирлашиб ҳаракат қилишлари жуда зарурдир. Бу эса ҳозирги вазиятда рўй берган қийинчиликларни бартараф қилиш учун, шунингдек Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети ноябрь ва декабрь пленумларининг резолюцияларида белгиланган вазифаларни бажариш учун асосий шартдир. Партия раҳбарлиги, деди Л. Штроугал, партия Марказий Комитетининг сиёсатини ёқлаб чиқаётган соғлом кучларга доим таяниб иш кўради. Марказий Комитет партия конструктив программасининг ғалабаси учун курашда халқ милицияси барча жангчиларининг актив ҳамкорлик қилишига аминдир.

Докладдан кейин бўлган музокараларда халқ милицияси отрядларининг вакиллари партиянинг сиёсатини ва Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети сўнгги пленумларининг қарорларини қўллаб-қувватладилар. Сўзга чиққан кишилар ҳар хил овозалар тарқатилаётганлигига доир конкрет мисолларни партия йўлига тарафдор бўлганларга қарши гиж-гижлатиш фактларини ва мамлакатнинг сиёсий ҳаётида учраётган бошқа салбий ҳолатларни кўрсатиб ўтдилар.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари шаънига кўпгина таҳқидий гаплар айтилди. Сўзга чиққанлар қабул қилинган қарорларни тушунтириб бериш вақтида қатъий ҳаракат қилинмаётганлигига эътиборни жалб этдилар. Улар таъкидлаб ўтганидек, партия интизоми ҳамма учун бир хил интизомдир. Бу интизом барча коммунистлар учун, халқ милициясининг жангчилари учун ҳам, журналистлар ёки ёзувчилар учун ҳам мажбурийдир.

Халқ милицияси жангчилари активи йиғилишининг охирида Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетига мактуб қабул қилдилар. Улар бу мактубда «Марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларига асосида партия сафларининг бирлигига изчиллик билан эришиш, партия ичидаги ўнг ва оппортунистик тенденцияларни фош қилиб ташлаш»га даъват этадилар.

ҲИНДИСТОННИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

ДЕҲЛИ. 27 январь. (ТАСС). Ҳинд халқи 26 январда республика эълон қилинган кунининг 19 йиллигини нишонлади. Неча минглаб кишилар саҳар пайтида пойтахтнинг марказий кўчаси Раж Патҳга тўпланишди.

Ҳарбий параддан кейин оммавий намойиш бўлди. Намойиш қатнашчилари чиройли қилиб безатилган ва кўп миллатли Ҳиндистондаги 17 штатнинг ҳар биридаги ҳаёт ва меҳнатни акс эттирадиган стендларни кўтариб бордилар.

Ҳиндистон республикаси ўтган йиллар ичида анча тараққий этди. Йирик замонавий саноат корхоналари вужудга келтирилди, неча минглаб янги мактаб ва касалхоналар қурилди, шаҳарлар обод қилинмоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам муайян тараққиётга эришилди. Ҳиндистон 1968 йилда шу мамлакат тарихида мисли кўрилмаган даражада ҳосил — қариб 96 миллион тонна дон ҳосили олди.

Ҳиндистон ташқи бозорларга юбораётган моллар рўйхатида саноатда тайёрланган буюмлар, шу жумладан машина-ускуналарнинг номлари кўп учраб туради.

Ҳиндистон тинчлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган давлатлар қаторидан ҳақли суратда ўрин олди. Ҳиндистон ҳарбий блокларга қўшилмаслик ва уларда қатнашмасликдан иборат ташқи сиёсати билан халқаро майдонда катта обрў қозонди.

ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯ БУНДЕСТАГИДА

БОННН. (ТАСС). Германия Федератив Республикаси Бундестагининг бугунги мажлисида Бундестаг раисининг ўринбосари Шеттле Бундестаг раиси Герстенмаер шу лавозимда истеъфога чиқишга қарор берганлигидан депутатларни расмий равишда хабардор қилди.

1 февралдан бошлаб Бундестаг раиси вазифаларини Шеттле ижро эта бошлайди.



Суратда: прокат цехида монтажлаш ишларининг бориши. Венгриядаги Секешфехервар комбинати Совет Иттифоқининг ёрдами билан кенгайтирилмоқда. Алюмин саноатини ривожлантириш соҳасидаги совет-венгер кооперация битимига кўра, СССР қардош Венгрияга алюмин прокати тайёрлашда қўлланиладиган асосий технология ускуналарини етказиб бермоқда. Кенгайтирилаётган комбинатда янги прокат станининг ишга туширилиши меҳнат унумдорлигини бир неча баравар оширади. МТИ—ТАСС фотоси.

Венгрия марказий статистика бошқармасининг маълумотига қараганда республика аҳолиси 1968 йил охирига келиб 10.274.000 нишига етган. Стенографистка Л. Мате туққан Лайош ва Йожик исмли эгизак ўғил болалар 1969 йилнинг дастлабки гражданлари бўлишди. Мамлакатдаги одатга мувофиқ, эгизак ўғил туққан бахтли она ҳисобланган Л. Матега ҳар бири 20.000 форинтдан иборат бўлган иккита страхование полиси тақдим этилди.

МТИ—ТАСС фотоси.

ФЕВРАЛДА ОБ-ҲАВО

Бу йил Ўрта Осиёда қиш узоқ муддатли, қалин қорли, совуқ бўлди. Яйлов жойларда қорнинг қалинлиги 5-9 сантиметр бўлса, Қорақалпоғистон, Бухоро областларида 15-24 сантиметр, Тошкент областида 25-49 сантиметрга борди. Совуқ 20 даражадан ошиб кетди. Қалин қор ёғиши натижасида айниқса транспорт режими бузилди. Январнинг учинчи декадасида айниқса тоғлик районларни қалин қор босди.

Февраль ойида Арктикадан ва Баренц денгизи районларидан совуқ ҳаво оқимининг келиши кутилади. Шунингдек Кольск ярим оролидан антициклон кела бошлайди. Бу антициклон Қозоғистонга ўтиб, ундан Ўрта Осиё республикалари орқали Марказий Осиёга қараб кетади.

Ўрта денгиз ва Яқин Шарқда циклонлар пайдо бўлади ва жануби-ғарб томондан республикамизга иссиқ шамол олиб келади. Шундай қилиб, Ўрта Осиёда совуқ ҳаво оқими билан иссиқ ҳаво оқими ўртасида тўқнашувлар бўлиб туради. Шунинг натижасида февраль ойида ҳароратнинг кескин ўзгариб туриши кутилади.

Февралнинг иккинчи ярмида кечалари 4-9, шимолий районларда 10-15 даража, кундузи 0 даража атрофида, шимолий районларда 5 даража совуқ бўлади. Февралнинг иккинчи беш кунлигида ҳаво бир оз исийди. Иккинчи ўн кунликнинг охирида ҳаво 0 даражадан 5-10, жанубда 0-4 даража иссиқ бўлади. Ойнинг охирига бориб 14-19, жанубда 20-24 даража иссиқ бўлади.

Умуман ўртача ойлик ҳарорат нормадан паст бўлиб, айрим областларда 1-2 даража миқдорида нормадан кам бўлади.

9-14 февраль кунлари ва учинчи декадада ёмғир аралаш қор ёғиши кутилади. Намгарчилик бу ойда бир оз кўпроқ, айрим жойларда нормадан 1,5-2 марта ошиқ бўлади.

О. СПИРИДОНОВА,
Тошкент об-ҳаво бюросининг синоптик катта инженери.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Лирик қўшиқлар. 9.30 — Рақс куйлари. 10.10 — «Подшо қаллиғи» операсидан саҳналар. 10.30 — Хор асарлар. 11.15 — «Фан ва техника». 11.30 — Концерт (Самарқанд область театри артистлари ижросида). 12.45 — «Замондошлар» (русча). 13.30 — СССР халқларининг куйлари. 15.15 — «Чўл ҳавоси» (радиоинсценировка). 16.10 — «Қўшиқ ёзувчи шоирлар». Акмал Пўлат. 16.50 — «Правда» газетасининг обзори. 18.00 — «Шоликорлар баҳор тайёргарлигини кўрмоқда» (русча). 18.10 — Балетлардан парчалар. 18.40 — Спорт. 19.20 — Қўшиқлар. 20.00 — «Ёшлик» радиостанцияси. 20.30 — Концерт (ёшлар учун). 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Музикали-адабий программа (қишлоқ меҳнаткашлари учун). 21.30 — «Ленинома» программаси (русча). 22.20 — Луиза Зокирова куйлайди. 22.40 — «Ҳамшира» (ҳикоя). 23.15 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — Телеэнциклопедия. 18.15 — Чорвоқ кундалиги. 18.35 — Куз ялроқлари (бадиий фильм). 20.10 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 20.15 — 10 минут музика. 20.25 — «Совет мактаби» журнали — 50 ёшда. 21.20 — Телеэнциклопедия. 21.35 — Мьямана ўлкасида (телефильм). 22.05 — Янги шеърлар. Осмон тўла нур. 22.20 — Шу куннинг созандалари. Б. Алиев.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.55 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

20.00 — География дарсида (телефильм, ўзбек тилида).

Рус тилида: 20.20 — Иккинчи ҳаёт (илмий-оммабоп фильм). 20.40 — Балет кечаси. 21.30 — Сенинг остонангда (телеспектакль).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 28/I да Марварид изловчилар, 29/I да Оққуш нўли.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/I да Алишер Навоий, 29/I да Зомон драмаси.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/I да Навоий Астрободда.

КИНО

Тошдаги достон (1 ва 2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 2 ярим ва кеч 8 яримда). «ЧАЙКА», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Омад сўмқўйлари — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Оҳангжамали кутича — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ака-ука Карамазовлар (1 ва 2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 ва кундуз 5 яримда).

Трясогузка армияси яна жангда — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 11-45 минут ва 1яримда).

«УЗСЕЛЬЭЛЕКТРОСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯ КОМПЛЕКТАЦИЯСИ БОШҚАРМАСИГА

прораблар, моддий-техника таъминоти билан таниш бўлган мастерлар, бухгалтерия ходимлари, план бўлими бошлиғи, ортиш-туширши ишларига ишчилар, омборчилар, машинистка

КЕРАК

Меҳнат ҳақи келишилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Стародубцев кўчаси, 130-уй (эски Мало-Бешагач кўчаси). Телефон 5-10-58.

СССР Газ саноати министрлиги «СРЕДАЗНЕФТЕГАЗСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ МАХСУСЛАШТИРИЛГАН 5-БОШҚАРМАСИГА

инженерлар: ишлаб чиқариш-техника бўлими механиги, прораб вазифасига сантехниклар, қурувчилар (термоизоляция билан таниш бўлган); қозон кочегарлари, юкчилар, слесарлар: вентиляциячилар, темирчилар, қурилиш механизмлари ремонти бўйича сантехниклар; газ-электр пайвандчилар, кранчилар

КЕРАК

Елгиз кишиларга ётоқхона берилади.

Меҳнат ҳақи ишбай асосида ва жойларга бориб ишлаганлик учун 30 дан 65 процентгача қўшимча коэффициент тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 81, Домбробод (33-автобуснинг «Автобаза» бекати).

Вашингтон: РЕСПУБЛИКАЧИЛАР ҲОКИМИЯТ ТЕПАСИДА

(ХАЛҚАРО ТЕМАДА)

Вашингтонда расмий тантанали маросимлар ўтказилганидан кейин президент Р. Никсон бошчилигидаги янги маъмурлар — республикачилар ҳукумати тузилиб ишга киришди.

Америка матбуоти янги ҳукуматнинг составини таҳлил этиб, уни «миллионерлар ҳукумати» деб атайди. Шундай ном билан аташнинг сабаби мичистрлар ва улардан кўпнинг ўринбосарлари фақат бизнесменлар — миллионерлардан иборат бўлганлигигина эмас. Бунга яна сабаб шуки, ҳукумат кўпдан бери одат тусига кириб қолган қонда бўйича ташкил этилди: бу ҳукуматда Америка йирик капитал асосий гуруҳларининг вакиллари бор. Масалан, Уоллстрит гуруҳи ҳукуматда тўрт лавозимни, шу жумладан, «традиция»га мувофиқ, давлат секретари ва юстиция министри, шунингдек транспорт ва савдо министрлари лавозимларини эгаллади. Америка капиталининг ўрта ғарб гуруҳи беш лавозимга, шу жумладан, мудофаа ва молия министрлари каби муҳим лавозимларга эга бўлди. Калифорниялик йирик саноатчи Д. Паккард мудофаа министрининг ўринбосари қилиб тайинланди. У 80 миллиард доллардан ортиқ ҳарбий бюджетни бошқаради. Д. Паккард Пентагонга ҳарбий материаллар етказиб берувчи компанияга ҳам бошчилик қилмоқда. Иккита энг муҳим идора — Марказий разведка бошқармаси ва федерал текшириш бюроси («Америка охранкаси»)нинг раҳбарлари ҳам ўзгартирилмади.

Оқ уйнинг янги эгаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган кўпгина янги проблемалари — ички ва ташқи проблемаларни аввалги ҳукуматдан мерос қилиб олди. Америка обзорчиси Д. Рестон яқинда «проблемаларнинг ворислик йўли билан ўтиши шафқатсиз бир қонда» бўлиб қолди, деб таъкидлади. Д. Рестон бунда АҚШнинг «Шарқи-Жанубий Осиёдаги сиёсати барбод бўлганлигини, Вьетнамда жуда қимматга тушаётган урушни, шунингдек Вашингтонни қуршаб олган оғир ички масалаларни — қашшоқлик проблемасини, ирқий ғалаёнларни, кучайиб бораётган инфляцияни ва бошқа муаммоларни кўзда тутади.

АҚШда ҳам, чет элларда ҳам янги ҳукуматнинг қандай хатти-ҳаракатда бўлажагини эътибор билан кузатиб турибдилар. Янги президентнинг анъанага мувофиқ қасамёд қилиш маросимида сўзлаган нутқи тўғрисида кўп фикр баён қилинди. Р. Никсон оғир ички проблемалар борлигига иқрор бўлди ва шу муносабат билан Америка ўз бошидан кечираётган «маънавий танглиги» ҳақида гапларни «илгари ҳам кўп марта эшитганмиз» деб уқтириб ўтади. Президентнинг сўзларидан кейин амалда қилинадиган ишлар, деб таъкидлайди газета, ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бу фикрга батамом қўшилиш мумкин.

«Бизда, — деди президент, — мол, мато жуда кўп, аммо руҳимиз қашшоқдир, биз ойга жуда аниқ парвоз қилаяпмиз, аммо ер устида шиддатли ихтилофларнинг қурбони бўлмоқдамиз, биз уруш асири бўлиб қолдик ва эндликда тинчликка мухтожмиз. Биз пароканда бўлиб қолдик ва эндликда бирликка мухтожмиз».

Американинг кўп газеталари президентнинг нутқини шарҳлаб, бу нутқнинг умумий характерда эканлигини, унда конкрет режалар баён қилинмаганлиги ва конкрет вазиятлар йўқлигини таъкидламоқдалар. Масалан, «Нью-Йорк таймс» газетаси «социал тузумдаги жиддий иллатлар»ни даволай оладиган «жўшқинлик» йўқлиги ва «қатъий чоралар» кўрсатилмаганлиги тўғрисида ноғиб ёзади.

Лондонда чиқадиган «Таймс» газетаси президент Никсоннинг сўзларини АҚШ «талаб қилинганича кучли ва талаб қилинганича узоқ вақт мобайнида кучли» бўлиб колиш ниятидадир, деган маънода изоҳлаб бермоқчи бўлади. Газета «бу нарса қуролланиш учун тобора кўп маблағ сарфлашни қонуний кучга киритишдан далолат бермайдими?» деган саволни беради.

Чет элларнинг кўп шарҳчилари Норвегияда чиқадиган «Афтен постен» газетаси янги президентнинг нутқига қандай баҳо берган бўлса, тахминан шундай баҳо беришни таклиф этмоқдалар. Бу газета янги президент айтган гапларни «илгари ҳам кўп марта эшитганмиз» деб уқтириб ўтади. Президентнинг сўзларидан кейин амалда қилинадиган ишлар, деб таъкидлайди газета. ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бу фикрга батамом қўшилиш мумкин.

(ТАСС).

АЖОЙИБОТЛАР

ОШИҚ РОБОТ

АҚШнинг «Дженерал моторс» лабораториясидаги «Роби» деб юритилувчи электрон робот тез-тез инжиқлик қиладиган бўлиб қолди. Илгарилари итоаткор бўлган робот, энди баъзи вақтларда бутунлай ишламай қоларди ёки кўп хатоларга йўл қўярди. Лабораторияда «Робининг» тузилишини бир неча марта текшириб чиқдилар, аммо фойдаси бўлмади.

Бир куни техниклардан бири тасодифан бу ўзгаришнинг боисини сезиб қолди. Аниқланишича, робот яқинидан бирор аёл ўтганда доимо унинг инжиқлиги такрорланаверган. «Ошиқ Роби» ўзининг сезгир фотоэлементлари орқали аёллар лабига суркаладиган помада рангини қабул қилиб «қаяжонланаётган» экан.

Шундан бери лабораторияда ишлайдиган аёллар помада турини ўзгартиришга мажбур бўлдилар.

КОИНОТДАН ОЛИНГАН ОЛОВ

Филадельфичда таниқли америкалик олим, жамоат арбоби Бенджамин Франклин туғилган куннинг 261 йиллигини нишонладилар.

Англосаксон мамлакатлари традицияларига биноан юбилей торти буюрилиб, унда 261 дона (ўтган йиллар сони) шам ўрнатилган экан.

Франклиннинг кейинги авлоди олимнинг ўзидан ҳам «ижодкор»роқ чиқиб қолишди. Улар махсус электрон қурилма орқали Андромеда юлдузлари туркумидаги Гамма юлдузининг нури билан шамларни ёқдилар.

Қизиғи шундаки, бу юлдуз биздан 261 ёруғлик йили узоқликдаги масофада ҳаракат қилади.

ЭЛЕКТРОН-МЕХАНИК БЕМОР

Беморнинг исмини Сим деб аташади. У ҳамма беморлардек нафас олади, «юраги» уради, томогига киритилган резина найча орқали ҳаракат қилади, йўталади, ҳатто кўнгли, озиб кислород етишмаганда ранги кўкариб кетади. Сим кунига 30 мартагача касал бўлади, кейин соғайиб кетса ҳеч нолимайди.

Бундай электрон-механик беморни америкалик олимлар студентларга амалий машғулотлар дарсида фойдаланиш учун яратдилар.

Маълумки беморларни операцияга тайёрлаш масъулиятли ва мураккаб вазифадир. Операция қилинадиган беморларнинг ички венасига дорилар юбориш, кислород бериш, баъзан эса нафас йўлларига резина найча киритиш керак бўлади. Буларни бажариш жараёнида беморнинг пульси ва нафас олиши кузатилиб турилиши шарт.

Электрон-механик бемор студентларнинг бераётган ҳар қандай «азобларига бемалол чидаш бераолади. Унинг терраси ҳам ҳақиқий кишиларникидек бўлиб, пластик материалдан иборат. Симнинг кўзи очилиб-юмилибгина қолмай кўз соққаси ҳам кенгайиши ва торайиши мумкин. Кўз соққасининг кенгайиши эса, жиддий белгини билдиради.

Бошқарув пульти олдида жойлашган ўқитувчи бир вақтнинг ўзида студентларнинг ишларини назорат қилади ҳамда Симнинг реакциясидан хабардор бўлиб туради.

«Техника молодёжи» журналидан.

ҲАЛОЛЛИК

МИЛИЦИЯ ҲАЁТИДАН

Кун бўйи хурсанд юрган мудир кечга бориб ташвишга тушди. У бетоқат, ўзини қўярга жой тополмай магазинга киради, кўчага чиқади, ҳаёлга толади... Ана ҳали юрган йўлидан парроз уриб борияпти. Дуч келган кишига «мабодо кўчада бирорта тугунчага кўзингиз тушмадими?» дегандек боқади. Унинг дили чироқ ёқса ёримайди. Бунинг бонси бор эди.

Бугун савдо анча дуруст бўлди, харидорларга кўплаб саноат ва озиқ-овқат моллари сотилди. Ишидан кўнгли тўлган мудир кечки пайт ҳисоб-китобни тугаллаб, тушумни ёнига солдида, давлат банкасига топшириш учун район марказига жўнади. Аммо ярим йўлда унинг шодлиги ташвишга айланди. Пулни тушириб қўйди.

— Нима қилиш керак? — пичирлади унинг лаблари. — бу жиноят-ку! Кўпчилик воқеани тўғри тушуниб ачинади, албатта. Айрим оғзига кучи етмаган кишилар нима деркин.

Пул аччиғи — жон аччиғи деган гап бор. Бунинг устига ўзиники бўлса ҳам майли эди, давлатники-ку! Кўнглига ҳар хил гаплар келиб бадани жимирлаб кетди, кўз ўнгги қоронғилашиб ўтириб қолди. Ана шундай ташвишли дамда мудирнинг жонига оро кириб, гамдан ҳалос этган милиционер Болтабой Замонбеков бўлди.

Воқеа бундай. Б. Замонбеков хизмат бурчини ўтаётган эди. Ҳаво совуқ, туман. Ўн беш-йигирма метр наридаги одамни кўриб бўлмайди. Ҳамма ҳар томонга ошиқади. Жасур соқчи бундай пайтда ўзини, айниқса хушёр ва сезгир тутади. Ўрамидаги саноат корхоналари, маданий-маиший, маданий-оқартув муассасаларига синчковлик билан қарайди, инсонларнинг осойишталигини сақлаш ҳақида ўйлайди.

У кўча муюлишига етганда кўзи ерда қоғозга ўралиб ётган тугунчага тушди. Эгилиб қўлига олди. Очиб кўрса, дасталаб таҳланган пул. Ҳалол виждонли соқчи уч-тўрт кишини тўхтатиб воқеадан хабардор қилди. Улар иштирокида пул санаб кўрилди — 1500 сўм!

Соқчи хизматини давом эгтираверди. Фақат кечқурун ишдан қайтгандан кейингина командири номига рапорт ёзди. Унда топилмани жабрланувчига қайтаришга кўмак сўради. Пул Орджоникидзе районидаги Дўрмон қишлоқ матлубот жамиятининг магазин мудири Б. Султоновга қайтарилди, у эса пулни давлат банкасига топширди.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бошлиғи, 3-ранг милиция комиссари З. Имомовнинг буйруғи билан ўз бурчига содиқ милиционер Болтабой Замонбеков «Милиция аълочиси» значоги билан мукофотланди. Жамоатчилик унга раҳмат айтди.

М. НАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331216. Халқаро ҳаёт — 337604. Коммунистик тарбия — 331455. Саноат капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 337221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347. Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343 Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон 48—85, Бухоро 31—41, Қарши 22—82, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

№ В — 23. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 01080.